

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 27 март • № 12 (1033)

## 29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИДА ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК – БОШ МЕЗОН

Санокли кунлардан сўнг халқимиз тарихида унутилмас воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Ушбу муҳим сиёсий тадбирда иштирок этиш, муносиб номзодни танлаб унга овоз бериш ҳар бир юртдошимизнинг конституциявий фуқаролик бурчидир. Мамлакатимизда ушбу соҳада қабул қилинган барча қонунчилик ҳужжатлари адолатлилиқ, очиқлик, ошкоралиқ ва транспарентлик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиши, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, Президентликка номзод кўрсатадиган сиёсий партияларга эса сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Аввал хабар берганимиздек, мазкур сиёсий жараёни кузатиш мақсадида юртимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссияси вакиллари ҳам сайлов округларида бўлиб, олиб борилаётган пухта тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишмоқдалар.

– Ўзбекистонда Президент сайловига тайёргарлик жараёни кузатишда иштирок этаётганимиздан мамнунмиз, дейди кузатувчилар миссия-

си вакили **Ива Каролина Сухонин**. – Мамлакатингизга илк мартаба келишимиз. Халқингиз жуда меҳмондўст экан. Яқинлашаётган сайловга барча жойларда пухта тайёргарлик кўрилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шунингдек, сайловолди ташвиқоти давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича республика матбуот маркази томонидан сайловчиларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида “Демократия – ҳаётимиз кўзгуси”, “Сайлов – ошкоралиқ, адолат ва

(Давоми 2-бетда).



### Ҳамкорлик ришталари

## ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИНИНГ КАТТА ЮТУҒИ жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда



Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида барча хорижий давлатлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган эзгу мақсадли ишлар асосан, инсон саломатлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

– Эътироф этиш жоизки, мамлакатингиз Президентининг соғлиқни сақлаш тизимига қаратаётган эътибор ва ғамхўрлиги яққол кўриниб турибди. Бунинг исботи сифатида айтмоқчиманки, юртингизда ана шундай академик **В. Воҳидов** номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва унинг таркибидаги кардиохирургия бўлимининг жаҳон стандартларига мос равишда фаолият юритиши, қувонарли ҳолдир. Бу ерда ўта мураккаб ҳисобланган туғма нуқсонли юрак касалликлари операциялари юқори малакали кардиохирурглар томонидан муваффақиятли амалга оширилаётганлиги, бу албатта, давлатингиз, қолаверса, Ўзбекистон тиббиётининг жаҳон ҳамжамиятидаги катта ютуғи деб биламан, – дейди Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт фонди бош мудирининг муовини **Хешам Аль-Вакаян**.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир неча йиллардан буён Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт фонди билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётганлиги ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Албатта, икки давлат ўртасидаги бундай келишувнинг бош мақсади

мамлакатимиз аҳолисига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт фонди ўртасида тузилган битимга асосан, фонд 2006-2009 йилларда

Давоми 3-бетда.

## 29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИДА ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК — БОШ МЕЗОН

тенглик тимсоли”, “Бизнинг овозимиз – мамлакатимиз тараққиёти хизматида”, “Биринчи бор овоз бериш – шараф” каби мавзуларда ўқув-семинарлари, давра суҳбатлари ва амалий учрашувлар ташкил этилди. Бу миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган сўнгги ўзгаришлар, сайлов комиссиялари олдида турган вазифалар, жумладан, оммавий ахборот воситалари иштирокида сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш вазифалари ҳақида уларнинг хабардорлигини оширишга ёрдам беради.

Шу билан бирга, ўтказилаётган мазкур тадбирларда Президент институтининг аҳамияти, унинг давлат ҳокимияти тизимидаги роли, шунингдек, демократик ўзгаришларнинг муҳим шарт сифатида Ўзбекистонда сайлов тизimini янгилаш, сайловларни ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёни ҳақида фикр юритилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида инсон манфаатларини изчил таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадига айланган. Юртимизда умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларга мос бўлган самарали қонунчилик, норматив-ҳуқуқий асос шакллантирилди.

– Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида сайлов участкаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятдаги 260 та сайлов участкасининг барчаси замонавий ва сайловчиларнинг келиб-кейтиши учун қулай бўлган биналарга жойлаштирилди. Барча участкаларда оналар ва болалар, тиббиёт хоналари ташкил этилди, – дейди **8-Сирдарё округ сайлов комиссияси раиси Шукуралли Маматқулов**. – Овоз бериш кабиналари, қутилар, кўчма қутилар тайёрлаб қўйилди. Участкаларда сайловчиларнинг истаган пайтда мурожаат этишлари учун навбатчилик йўлга қўйилган. Шунингдек, телефон ҳамда интернет тармоғи мунтазам ишлаб турибди. Участкалар сайловга оид қонун, йўриқнома, қўлланма, зарур адабиёт, номзодларни таништирувчи плакатлар билан тўлиқ таъминланган.

Айтиш жоизки, сайлов тизимининг ўзига хос муҳим жиҳатлари мавжуд. Улар миллий сайловларнинг ҳаққоний ва адолатли ўтишини таъминлайди. Хусусан, Президентликка, Олий Мажлисга бўладиган сайловларни, референдумлар ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлаш демократик тарзда шаклландиган Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги мустақил сайлов комиссиялари зиммасига юклатилган. Сайловларни ўтказиш давомида ҳокимият тузилмалари ёки жамоат бирлашмалари томонидан улар фаолиятига аралаштиришга мутлақо йўл

(Давоми. Боши 1-бетда).

қўйилмайди. Айрим мамлакатларда сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш вазифалари ижро ҳокимияти томонидан амалга оширилиши ҳам бор ҳақиқат. Зеро, сайлов бу ҳар бир ватандошимизнинг келажак истиқболини белгилаб берувчи сиёсий жараёндир. Унда фаол иштирок этиб, мустақил равишда муносиб номзодни танлаш ва унга овоз бериш инсоний бурчимиз эканлигини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз зарур.

**Нуралӣ ЮНУСОВ,**  
**Самарқанд вилояти,**  
**Пайарик туманида**  
**истиқомат қилувчи меҳнат**  
**фахрийси, 78 ёш:**

– Узоқ йиллар “Дехқонobod” жамоа хўжалигида жойлашган фельдшерлик-акушерлик пунктида ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходими сифатида меҳнат қилиб, 1997 йилда нафақага чиқдим. Биз ишлаган даврдаги кўримсиз, эски-туски тиббиёт жиҳозларидан фойдаланиладиган меҳнат ўрнида ҳозир замонавий кўринишдаги “Дехқонobod” қишлоқ врачлик пункти қад ростлаган. Бу пунктда “Дехқонobod” ва “Истиклол” қишлоғи аҳолисига бирламчи тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Гарчанд нафақага чиққан бўлсакда, Ўзбекистон мустақилли-

верса, номзодларнинг сайловолди дастурлари гўёки бири-бирига ҳамоҳанг бўлиб, барчасида Ўзбекистонни тараққий этган мамлакатлар сафига қўшишдек эзгу мақсад яширинган. Участкамизда 3386 нафар аҳоли Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг энг муносиби учун овоз беради. Улар орасида 29 нафар тиббиёт ходими бор экан. Шулардан 5 нафари пенсионердир. Биз ёши улғ инсонлар катта ҳаёт йўлини босиб ўтган кишилар сифатида сайлов жараёнида ҳам фаол қатнашимиз, ўғил-қизларимизга ибрат бўлишимиз керак.



ги йилларида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар туфайли катта ўзгаришлар рўй бераётганига гувоҳ бўлиб келаямиз. Якшанба куни бутун мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ана шундай ижобий ўзгаришларнинг изчиллигини таъминлашига умид қиламиз.

Мен каби ёши улғ инсонлар, меҳнат фахрийлари, касби, ижтимоий келиб чиқиши, миллати, қайси ҳудудда яшайдан қатъи назар, 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро сайлов жараёнида иштирок этиши керак. Истиқомат қилаётган манзилимизга яқин жойда 18-умумтаълим мактаби жойлашган бўлиб, бу ерда 658-сайлов участкаси ташкил қилинган. Участкада Президентликка номзодларнинг ҳар бири ҳақида батафсил билиб олиш мумкин. Албатта, уларнинг сайловолди дастурлари Ўзбекистон тараққиётини жадаллаштиришга хизмат қилади. Қола-

**Мунаввар УСМОНОВА,**  
**Тошкент тиббиёт**  
**академияси 3-клиникаси,**  
**381-сайлов участкаси раиси**  
**ўринбосари:**

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIII боби, 117-моддасида таъкидланганидек, **“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи ўз хоши-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади”**. Дарҳақиқат, сайловчилар ўртасида бу муҳим сиёсий воқеани уюшқоқлик ва кўтаринчилик билан ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай экан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси ҳудудида жойлашган 381-сайлов участкасида кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Ушбу клиникада даволана-



тқасида сайловчиларнинг келиб-кейтиши, бюллетенни олиб, яширин тарзда овоз беришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Сайловчилар қатори мен ҳам ўша куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган кишилар орасидан энг муносибига овоз берарман.

**Отажон ИСМОИЛОВ,**  
**Жиззах вилояти, Дўстлик**  
**тиббиёт коллежи**  
**фармация йўналиши**  
**2-босқич ўқувчиси,**  
**18 ёш:**

– Коллежимиздан унчалик узоқ бўлмаган жойда 6-умумтаълим мактаби жойлашган бўлиб, у ерда 129-сайлов участкаси иш олиб бормоқда. У ерга борганимизда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастурида илгари сурилган ғоялари билан танишиб чиқдик. Улар биринчи марта овоз бераётган ёш сайловчиларга қандай қилиб бу жараёнда иштирок этиш мумкинлиги бўйича тушунча бердилар. Гуруҳимизда 18 нафар ўқувчи бўлиб, уларнинг асосий қисми биринчи марта сайлов жараёнида иштирок этаётган ёшлардир. Биз ёшлар кўппартиявийлик тизими асосида Президентликка номзодлари қўйилган кишилардан фақат бир нафари – энг муносибига овоз берармиз.

**Малика ЭГАМБЕРДИЕВА,**  
**Тошкент шаҳридаги**  
**Сергели тиббиёт коллежи**  
**даволаш иши бўлими**  
**20-гуруҳ сардори, 18 ёш:**

– Жорий йилнинг 29 мартда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов куни биз ёшлар ўз муносиб номзодимизга овоз бериб, келажакда янги сайланадиган Президентимизнинг бизга кўрсатадиган ғам-хўрлиги ва ишончига умид қиламиз. Мен илк бора сайловда иштирок этмоқчиман. Яшнобод тумани ҳудудидаги 181-сайлов участкасига бориб, мамлакатимизда йўлга қўйилган сиёсий кампания – сайлов тизимининг фаол иштирокчиси бўламан.

**Саҳифа**  
**материалларини**  
**Намоз ТОЛИПОВ,**  
**Хулқар КУЗМЕТОВА**  
**тайёрлади.**  
**Суратлар муаллифи**  
**Жасур ЖАЛИЛОВ.**

## Хамкорлик ришталари

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИНИНГ КАТТА ЮТУҒИ  
Жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда

юртимиздаги туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги 171 та шошилич тиббий ёрдам бўлимини 25 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашни ўз зиммасига олган эди. Айни пайтда режалаштирилган ушбу янги технологиялар, жумладан, ИВЛ, анестезиология, УТД учун портатив аппарати, рентген, ЭКГ, гастрофиброско-

рохлик анжомлари, лаборатория жиҳозлари тиббиёт ходимлари ишини енгиллаштириш билан бирга, беморлар саломатлигини тиклаш ҳамда сақлаб қолишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Кардиохирургия бўлимини юқори технологиялар билан таъминлашда Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт фонди томонидан 12,96 миллион АҚШ доллари сарф қилинди.

**нишдилар. Ташриф чоғида Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт фонди бош мудирининг ёрдамчиси Хешам Аль-Вакаян марказнинг кардиохирургия бўлимидаги мавжуд аппаратуралардан самарали фойдаланаётган тиббиёт ходимлари фаолиятини кузатар экан, қуйидаги фикрларини билдириб ўтди:**

– Аввало, Ўзбекистон давлати билан кўплаб соҳаларда ҳамкорлик олиб бораётганлигимиз, бу албатта икки давлат аҳолисининг саломатлиги, турмуш фаровонлиги ва уларнинг манфаатларига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Айниқса, юртингиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ютуқларни кўриб турганлигимдан хурсандман. Мамлакатингиздаги етакчи клиникалардан бири бўлган академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия бўлимидаги шароит ва имкониятларни кўриб, бу ердаги фаолиятлар жаҳон стандартларига тўлиқ жа-

монидан ажратилган кредит бўйича берилган тиббий асбоб-ускуналар ҳамда аппаратуралардан бўлимининг малакали тиббиёт ходимлари инсон саломатлигини сақлаш, умрини узайтириш мақсадида фойдаланаётганлигини ўз кўзим билан кўрдим ва бундан гоят мамнун бўлдим. Эътироф этиш жоизки, мамлакатингиз Президентининг соғлиқни сақлаш тизимига қаратаётган

деб биламан. Мазкур ташрифимиз чоғида Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт фондига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган таклифларга асосан ҳамкорликдаги режамизга мувофиқ, Республика 1-ва 2-клиник шифохоналари, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-, 2-, 3-клиникалари ҳамда Андижон ва Самарқанд Дав-



пия, дуоденофиброскопия ва бронхофиброскопия жамламаси билан берилди. Каравотли монитор, лапароскопия жамламаси, жарроҳлик анжомлари, операция столлари келтирилган бўлиб, халқимизга янада сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим ўрин тутмоқда. Унинг умумий миқдори 20,55 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари, Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт фонди 2008-2012 йилларда академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия бўлимини юқори технологияли аппаратуралари билан жиҳозлашда иштирок этди. Айниқса, Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт фонди томонидан берилган ангиография, ультратовушли сканерлар, рентген, бронхоскопия, нарқоз ҳамда ИВЛ, сунъий буйрак аппаратлари, янги туғилган чақалоқлар учун реанимация жамламалари, жар-

Жорий йилнинг март ойида мамлакатимизга Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт фонди бош мудирининг муовини Хешам Аль-Вакаян раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Улар ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида бўлиб, вазир Анвар Алимов билан музокара олиб бордилар. Шунингдек, меҳмонлар республикамиз тиббиёт муассасаларига тақдим этган замонавий тиббий асбоб-ускуналардан қандай фойдаланилаётганлигини кўриш учун шифо масканларида бўлдилар.

**Жумладан, делегация вакиллари академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия бўлими фаолияти билан та-**



воб бера олиши мени қувонтирди. Хизмат тақозоси туфайли кўплаб давлатларнинг тиббиёт муассасаларида бўлганман. Лекин ушбу кардиохирургия бўлимининг ташқи ва ички кўриниши ҳамда энг сўнгги русумдаги тиббиёт жиҳозлари билан таъминлиниши, бошқа давлатлардаги етакчи клиникалардан катта фарқ қилиши, яъни юқори даражада эканлигига тан бердим. Бундан ташқари, Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт фонди то-



эътибор ва ғамхўрлиги яққол кўриниб турибди. Бунинг исботи сифатида айтмоқчиманки, юртингизда ана шундай ихтисослаштирилган хирургия маркази ва унинг таркибидаги кардиохирургия бўлимининг жаҳон стандартларига мослиги шундаки, бу ерда ўта мураккаб ҳисобланган туғма юрак касалликлари операциялари малакали кардиохирурглар томонидан муваффақиятли амалга оширилаётганлиги, бу албатта, давлатингиз, қолаверса, Ўзбекистон тиббиётининг жаҳон ҳамжамиятидаги энг катта ютуғи

лат тиббиёт институтларининг клиникаларини ҳам энг сўнгги русумдаги юқори технологияли тиббиёт аппаратуралари билан таъминлашни кўзда тутган. Бундан ташқари, келгуси йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг тиббиёт муассасаларига ҳам ушбу технологияларни етказиш режалаштирилмоқда. Уйлайманки, бу борадаги ҳамкорлигимиз халқингиз саломатлиги йўлида ўзининг ижобий натижаларини бераётган экан, бу албатта икки давлат ўртасидаги ҳамдўстлик ришталарини ҳам янада мустаҳкамлайди.

**Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт фонди делегацияси ташриф чоғида Республика 1-клиник шифохонаси ва бошқа тиббиёт муассасаларида бўлиб, даволаш жараёни билан танишдилар.**

**Ишончимиз комилки, бундай ҳамкорлик ишлари бардавом бўлиб, яқин келажақда ўзининг ижобий самарасини беради.**

**Ибодат СОАТОВА.  
Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Конференция

## ҲАР БИР БОЛАГА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

**Тошкентда “Аутизм: инновацион ечимлар ва ҳаракатлар стратегияси” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бошланди.**

Тадбир Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, “Sen Yolg'iz Emassan” республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари томонидан ташкил этилди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар мутахассислари, жамоат ҳамда нодавлат ташкилотлари вакиллари, Австрия, Исроил, Хитой, Франция ва Грециядан экспертлар иштирок этмоқда.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва “Sen Yolg'iz Emassan” республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ҳомийлик кенгашлари

раиси Л. Каримова-Тиллаева, Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов, Халқ таълими вазири У. Иноятов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Ризаев ва бошқалар мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Бу борада жисмоний имкониятлари чекланган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, жамиятимизга мослашувига ёрдам берилмоқда. Ушбу жараёнда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги муҳим ўрин тутмоқда.

Мазкур илмий-амалий конференциянинг ўтказилиши жаҳонда аутизм билан касалланганлар

сонини кўпайтириб бераётгани, бундай беморларни ўқитиш, тарбиялаш ва жамиятга мослаштириш муаммосига турлича ёндашувлар, ушбу соҳадаги замонавий илм-фан ютуқлари ҳамда илғор халқаро амалиёт асосида ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати билан боғлиқдир.

Конференция қатнашчилари аутизм муаммосини ҳал этиш амалий инновацион тадқиқотлар ўтказиш ва бу тадқиқотлар натижасида аутизм билан касалланган болаларни жамиятга мослаштириш имконини берадиган янги, самарали дастур ҳамда технологиялар ишлаб чиқишни тақозо этишини таъкидлади. Бу борада барча мутахассислар – педагоглар, психологлар, шифокор ва дефектологларнинг ижтимоий шериклиги муҳим аҳамият касб этади.

Чет эллик мутахассислар Ўзбекистонда ижтимоий шериклик асосида аутизм белгилари бор болаларга аниқ мақсадли ва манзилли ёрдам кўрсатилаётганини алоҳида қайд этди. Республика

болалар ижтимоий мослашуви маркази “Sen Yolg'iz Emassan” республика жамоатчилиги болалар жамғармаси билан ҳамкорликда ушбу йўналишда қатор ижтимоий лойиҳалар ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказмоқда. Масалан, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳузуридаги Ахборот-консалтинг хизмати базасида аутизм касаллигига чалинган болалар ва уларнинг оилаларига комплекс психологик ёрдам кўрсатилаётди. Психолог билан алоҳида машғулотлар, гуруҳ ўйинлари, мавзуга оид хоналар ва сузиш ҳавзасида машғулотлар ўтказиш, табиат қўйнида биргаликда сайр қилиш, бундай болаларнинг ота-оналари учун ўқув ва релаксация тренинглари ҳамда ахборот семинарларидан иборат мақсадли дастур ишлаб чиқилган. Самарали хориж услублари фаол жорий этилмоқда, чет эллик етакчи мутахассислар иштирокида маҳорат сабоқлари ўтказилмоқда.

– Ўзбекистонда аутизм муам-

моси чуқур ўрганилмоқда, дейди грециялик мутахассис Димитриос Николас Сакеллион. – Олимлар, психологлар, психиатр ва бошқа мутахассислар ҳамкорлиги салмоқли натижалар бермоқда. Улар томонидан ишлаб чиқилган комплекс ёндашув Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида самарали қўлланилган ва биз марказнинг бу борадаги фаолияти билан яқиндан танишдик. Келажақда ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказишда ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ҳамкорликни давом эттирамиз.

Конференция иштирокчилари аутизмни аниқлаш ва даволашнинг инновацион усуллари билан фойдаланиш, бу борада ҳамкорликни кенгайтириш масаласи бўйича фикр алмашди.

Халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов сўзга чиқди.

**Бобур ОБИДОВ, (ЎЗА).**

## Семинар

МУЛОҚОТ ВА МУҲОКАМА  
ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР ГАРОВИ

**Фаолиятда муваффақиятга эришиш кадрлар салоҳиятига боғлиқдир. Шундай экан, соҳа мутахассисларини ҳар томонлама узлуксиз таълим жараёнларига жалб этиш, уларнинг билим ва касбий маҳоратини ошириш билан бирга, мамлакатимиздаги сиёсий-иқтисодий, маънавий ва маърифий ҳамда жаҳон миқёсида рўй берётган янгиликлардан хабар этади.**

Барча соҳалар каби республика соғлиқни сақлаш тизимида ҳам мутахассислар малакасини ошириш ишларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан олти йилдан буён Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамкорлигида институтнинг Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш кафедрасида ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошликлари, ўринбосарлари ва бошқарма тасарруфидаги туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари ўқитиб келинмоқда. Шунингдек, улар ўқиш жараёни билан бирга Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма мутахассислари томонидан ташкил этилаётган семинарларда ҳам иштирок этиб, фаолиятлари бўйича ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Президентимиз ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид чиқараётган фармон ва қарорларининг ижросини республика миқёсида тарғиб этиш ҳамда амалиётга татбиқ қилиш ишлари фаоллик билан олиб борилмоқда. Айниқса, давлатимиз томонидан бирламчи тиббий-санитария хизматида қаратилаётган эътибор боис, ислохотлар жараёнида аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича самарали натижаларга эришилди, бирламчи тиббиётнинг миллий модели яратилди. Айни пайтда республикада 3840 та амбулатор поликлиника муассасаси бўлиб, уларнинг таркибиде 195 та туман (шаҳар) марказий кўптармоқли поликлиникаси, 165 та оилавий поликлиника, 2995 та қишлоқ врачлик пункти ва бошқа амбулатор муассасалар фаолият кўрсатиб келмоқда. 2014 йилда амбулатория ва поликлиника муассасаларининг 259 тага камайганига қарамай (2013 йил якунида 4009 та, 2014 йилда 3840 та), бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан аҳоли ўртасида профилактика ишларининг кучайтирилиши эвазига уларда амалга оширилган қатновлар сони 30,5 миллионга кўпайди (2013 йилда 271018,4 минг ва 2014 йилда 301533,5 минг). Шунга мутаносиб равишда, ҚВПларида қатновлар сони 8,9 миллионга ошган (2013 йилда 84580,9 минг, 2014 йилда 93554,4 минг).

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида ўтган йилнинг март ва август ойларида мамлакатимиз бўйлаб “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида ўтказилган ижтимоий акцияда 300 нафардан зиёд етакчи мутахассис, профессор-ўқитувчилар

иштирок этдилар. Ушбу тадбирда жами 204123 нафар фуқаро, жумладан 152698 нафар катта ёшдаги, 39017 нафар болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрикдан ўтказилганларнинг 129103 нафари туман шифохоналарида, 12738 нафари вилоят шифохоналари ҳамда 4880 нафари республика ДПМларида даволаниши назоратга олинди. Тиббиёт ходимлари томони-



дан аҳоли ўртасида чуқурлаштирилган ва профилактик кўриklar ҳамда касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва диспансер назоратдагиларни соғломлаштириш ишлари яхшиланганлиги натижасида аҳоли орасида бирламчи касалланиш кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан 100 минг аҳолига 30681,4 га ва диспансер назоратидагилар 38839,3 га қадар ошган. Республика бўйича 529 минг 692 нафар никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўтказилиб, 2520 нафарида ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар, жумладан 107 нафарида гиёҳвандлик, 1 минг 604 нафарида рухий, 386 нафарида ОИТС, 320 нафарида сил, 103 нафарида тери-таносил касалликлари аниқланди. Касаллик аниқланган шахсларнинг барчасига тегишли диспансерларга йулланмалар берилди, амбулатор ва стационар шароитда соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, вазирликнинг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш марказий штаби ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг худудий штаблари тузилди. Марказий штаб томонидан тизимда амалга оширилаётган ишларнинг доимий мониторинги ва мониторинг ҳафталиклари ташкиллаштирилиб, ишчи гуруҳлар томонидан 1326 та (44,2 фоиз) ҚВП фаолияти ўрганилди. Натижалар худудларда ўтказилган 9 та республика семинарларида таҳлил қилиниб, тегишли чоралар белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги “Қишлоқ врачлик пунктларини

янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 50-сонли қарори асосида олисга бориши қийин бўлган ва чўлдаги аҳоли пунктларида жойлашган қишлоқ врачлик пунктлари умумий амалиёт врачларининг меҳнати ва шарт-шароитлари инobatга олиниб, уларнинг тариф ставкасига нисбатан 25 фоиз миқдорида махсус ойлик устамалар жорий этилди. Патронаж ҳамшираларининг узлуксиз иш стажидавомийлиги учун устаманинг тариф ставкаси 20 фоиздан 40 фоизгача оширилди.

Шунингдек, қарор ижросини таъминлаш мақсадида патронаж ҳамширалари томонидан кўрсатилаётган тиббий ёрдам-



ҳолати” мавзусидаги маърузасида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, мониторинг натижасида аниқланган камчиликларга батафсил тўхталиб ўтди. Тадбирда асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари ва амбулатор-поликлиника хизмати бўйича мутахассислар, Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти ва унинг вилоят филиалларининг бош статистлари ва тажриба жорий қилинган 18 та туман тиббиёт бирлашмаларининг ҚВП бўйича координаторлари иштирок этди.

Шунингдек, кун тартибига асосан вазирликнинг 2015 йил 5 январдаги “2015 йилда аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш ҳамда профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўриklar ўтказишни ташкиллаштириш тўғрисида”ги 5-сонли буйруғи ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги “Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 50-сонли қарорига мувофиқ, тажриба тартибиде қишлоқ врачлик пунктларининг тиббий ходимлари иши самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш ҳолати юзасидан тажрибага киритилган 18 та туман тиббиёт бирлашмаларининг ҚВП бўйича координаторлари ҳисоботи эшитилиб, муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, аҳолига бирламчи тиббий-санитария хизмати кўрсатиш соҳасида меъёрий ҳужжатларнинг ижро механизми ҳамда тиббий ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларини юритиш асослари бўйича вазирликнинг даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш бош бошқармаси бош мутахассиси Барно Одилова ва қишлоқ врачлик пунктларининг тиббиёт ходимлари иши самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш, тажрибани давом эттириш юзасидан бошқарма етакчи мутахассиси Рустам Азимовлар тақдимоти ўтказилди.

**Мазкур семинар муҳокамаларга бой бўлиб, вилоятлар кесимида бирламчи тиббиёт тизимида амалга оширилган ишлар юзасидан тақдимотлар ўтказилди. Албатта, бу каби долзарб мавзудаги масалалар аудиторияси қанчалик кенг қамраб олинса, қутилган натижаларга эришилади.**

**Ибодат СОАТОВА.  
Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.**

– Икки кунлик семинар давомида янада чуқур маълумотларга эга бўлдик десам янглишмайман. Бундай мунтазам олиб борилаётган таҳлилий семинарлар соҳага оид чиқарилаётган қарор ҳамда вазирлик буйруқларининг амалдаги ижроси қай даражада йўлга қўйилганлиги ва бундан қутилган натижалар, яъни тиббиётимизнинг бош мақсади бўлган инсон саломатлиги ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланиб бораётганлигини далил қилиб турибди. Семинарнинг биринчи кунинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги “Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 50-сонли қарори ижроси бўйича амалдаги фаолиятларга эътибор қаратилди. Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, мазкур қарорда аввало, патронаж ҳамшираси фаолияти, балки умумий амалиёт шифокорлари ҳам бу жараёнга кенг жалб этилиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Семинарнинг иккинчи кунинда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 5 январдаги “2015 йилда аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш ҳамда профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўриklar ўтказишни ташкиллаштириш тўғрисида”ги 5-сонли буйруғи ижросини амалиётга татбиқ қилиш масалаларига катта эътибор қаратилди. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, соҳага оид фармон, қарор ва буйруқлар ижроси назорати кучайтирилатганлиги, шунингдек, чуқурлаштирилган тиббий кўриklarнинг мунтазамлиги, тиббиёт ходимлари фаолияти баҳоланиши, бу албатта, тиббиётнинг бирламчи тизимидаги жараёнлар изчиллигини ошириш билан бирга, инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларга ўз вақтида малакали сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади, – дейди Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқи ўринбосари Умида ҲОЗИЕВА.

## Человек и его дело

**МЕДИЦИНСКАЯ ЭТИКА И  
ДЕОНТОЛОГИЯ В ХИРУРГИИ**

**Медицинская этика – это раздел философской дисциплины этической науки, объектом исследования которого являются морально-нравственные аспекты медицины. В более узком смысле под медицинской этикой понимается всю совокупность нравственных норм поведения и моральных факторов, предопределяющих чувство профессионального долга, чести, совести и достоинства медицинских работников.**

Практическое воплощение морально-этических принципов в профессиональной деятельности медицинских работников определяется термином «деонтология» – «наука о должном», который происходит от греческих слов deon – должное и logos – учение. Таким образом, деонтология в медицине – это учение о правилах поведения врачей и медицинского персонала, долг медицинских работников перед больными и их родными, знакомыми, сослуживцами, а также перед обществом. Задачей медицинской деонтологии является охрана психического и физического здоровья человека, направленная на создание максимально благоприятных условий для эффективного лечения больных.

Человек – наивысшая ценность на свете. Медицинская наука тесно связана с судьбой человека, его здоровьем и жизнью. Отсюда вытекают и особые нравственные качества личности медицинского работника. Наиболее точно они определяются понятием «гуманизм». Без гуманизма медицина теряет право на существование, ибо ее научные и профессиональные принципы вступают в противоречие с основной ее целью – служить человеку.

Поэтому человек, решивший посвятить себя медицине, должен не только освоить эту профессию, но и обладать особым умением общаться с людьми, реагировать на чужую боль, быть готовым всю жизнь неутомимо бороться за здоровье других.

Нет другой профессии, которую можно было бы сравнить с профессией медицинского работника по мере ответственности за здоровье, жизнь и судьбу больного человека.

Впервые основной деонтологический принцип сформулировал Гиппократ: «Должно обращать внимание, чтобы все, что применяется, приносило пользу».

В присяге врача Республики Узбекистан приводится: «Оказывать медицинскую помощь каждому больному независимо от пола, возраста, расы, национальности, языка, вероисповедания, убеждения, социального происхождения и общественного положения, не жалея на это сил и времени:

- ставить выше личных интересов здоровье больного, быть скромным и честным, постоянно совершенствовать свои медицинские познания и мастерство;

- всегда нести людям добро и веру в исцеление».

Очень важно помнить, что врач обладает огромнейшей властью над больным человеком, поскольку пациент доверяет ему свою жизнь. В этой, подчас, беспредельной власти – одна из волшебных граней привлекательности и величайшей ответственности профессии медицинских работников.

Здесь необходимо отметить также внешнее и внутреннее оформление больницы, в том числе хирургического отделения. При внешнем и внутреннем оформлении отделения хирургии надо особо обращать внимание на эстетическую сторону. При этом необходимо руководствоваться тем, чтобы окружение как можно меньше травмировало психику больного.

Вопросы этики и деонтологии каса-

ются всех медицинских работников, в том числе, в хирургическом кабинете или отделении. Индивидуальным подходом к больному должен овладеть каждый медицинский работник и обязан знать, что больному нуждается в должном внимании, особенно, если ему предстоит хирургическое вмешательство.

История хирургии уходит корнями в глубокую древность. В древнем Египте, Индии, Вавилоне, Византии, Древней Греции и Риме, производились такие вмешательства, как кастрация, ампутация конечностей, удаление камней из мочевого пузыря. Наибольшего расцвета достигла хирургия в Древней Греции и Риме. Свидетельство этому – труды Гиппократ, описавшего лечение переломов и вывихов, различные операции. Представление об уровне хирургической помощи в Древнем Риме дают труды Цельса и Галена. Цельс описал воспаление, ампутацию конечности и некоторые другие операции. Гален всячески подчеркивал важность, более того, необходимость для каждого хирурга знать анатомию, в особенности топографическую анатомию, расположение нервов, кровеносных сосудов, сухожилий и т.д.

Однако, если труд врача и оценивался высоко, то ошибки врача и его неудачи наказывались очень сурово. В параграфе 218 одного из древнейших законодательных памятников – кодекса царя Вавилона Хаммурапи (приблизительно в 1750-х годах до н. э.) указывалось, что «если врач произведет у кого-либо серьезную операцию бронзовым ножом и причинит больному смерть или если он снимет кому-нибудь катаракту с глаза и разрушит глаз, то он наказывается отсечением руки». Кроме того, за серьезную ошибку врачу приходилось платить крупный денежный штраф.

В священной книге-памятнике зороастрийцев «Авеста» (558 до н. э.), в главе «Вендидат» содержались обширные сведения о медицине и лечебных процедурах. В книге описывалось три способа лечения: словом (психотерапия), травами (фармакотерапия), ножом (хирургия).

Сформировавшиеся до принятия ислама лечебницы существовали и при академиях – высших школах наук и медицины в странах Востока. В VI веке была известна академия и лечебница в городе Гундишапур провинции Хузистан Ирана, где проводилось углубленное обучение и готовились специалисты по глазным, кожным и хирургическим болезням.

Существуют сведения, что в I веке до н.э. отдельная лечебница была создана и в древней Бухаре.

Большое внимание этике врача уделялось в Древней Индии.

В известном индийском трактате «Аюрведа» («Наука жизни»), составленном в VI веке до н. э., в учении древнеиндийских врачей содержатся замечательные мысли о долге врача, его поведении, отношении к больному. Согласно этим древним представлениям, врач должен был обладать высокими моральными и физическими качествами, проявлять к своим пациентам сострадание, быть терпеливым и спокойным, никогда не терять самообладания.

В Древней Индии существовали также правила поведения врача по отношению к больным в предоперационном и послеоперационном периодах, к умира-

ющим больным и их родственникам.

